
БУВАЙДАМ, СЕНИНГ ЁШЛАРИНГ!

Кимё фанидан 2022-йил 9-16 май кунлари бўлиб ўтадиган 56-Халқаро Менделеев олимпиадасида Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 2-вилоят ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати 11-синф ўқувчиси Озодбек Мелиқўзиев Ўзбекистон терма жамоаси таркибида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундан ташқари Озодбек Мелиқўзиев 2022-йил 2-5 июнь кунлари Самарқанд вилоятида ўтказилиши режалаштирилаётган асосий фанлар олимпиадасининг Республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади. Ҳозирги кунда Озодбек Мелиқўзиев мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

2022-05-13 10:31:30